



Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга ҳожат хутбасини ўргатдилар

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга ҳожат хутбасини ўргатдилар: «Аллоҳга ҳамд бўлсин! Ундан ёрдам сўраймиз, Унга истиффор айтамиз. Нафсимизнинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Кимни Аллоҳ ҳидоятга бошласа, уни залолатга кетказувчи йўқдир. Кимни Аллоҳ залолатга кетказса, уни ҳидоят қилувчи йўқдир. «Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ», деб шаҳодат берурман ва «Муҳаммад – Аллоҳнинг Расули», деб шаҳодат берурман». (Сўнгра уч оятни ўқир эдилар:) «Эй одамлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтани яратиб, икковларидан кўплаб эркагу аёллар таратган Раббингиздан кўрқинглар! Номини ишлатиб бир-бирингиздан сўровда бўладиганингиз Аллоҳдан ва қариндошлик (алоқалари) дан кўрқинг. Албатта, Аллоҳ устингиздан рақобат этувчи зотдир» [Нисо: 1] «Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга ҳақиқий тақво қилинглари, фақат мусулмон бўлган ҳолингиздагина вафот қилинглари» [Оли Имрон: 102] «Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглари ва тўғри гапни гапиринглари. Сизнинг амаларингизни солиҳ қилур ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, батаҳқиқ, буюк зафарга эришибдир» [Аҳзоб: 70-71].

[Тўғри матн] [رواه أبو داود والترمذي والنسائي وابن ماجه وأحمد]

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга жума, никоҳ хутбаси ва шунга ўхшаш ўринларда айтиладиган ҳожат хутбасини ўргатганларини хабар бердилар. Бу хутба – Аллоҳ ҳамднинг барча турига ҳақли экани, фақатгина ёлғиз ундан ёрдам сўралиши, гуноҳларни сатр қиладиган ва уларни кечириб юборадиган Зот фақат У экани, нафс ва бошқа нарсаларнинг ёмонлигидан қутилиш учун фақат унга илтижо қилиниши каби улуғ маъноларни ўз ичига олгандир. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳидоят фақат Унинг қўлида эканини, У кимни ҳидоят қилса, адаштирувчи, кимни адаштира, уни ҳидоят қилувчи йўқ эканини хабар бердилар. Сўнгра тавҳид шаҳодатини яъни Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқлигини ҳамда рисолат шаҳодатини яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам У Зотнинг бандаси ва пайғамбари эканини зикр қилдилар. Сўнгра бу хутбани қуйидаги уч оят билан тугатдилар. У оятлар ўз ичига Аллоҳ таолога тақво, Унинг юзини истаб буюрганларини бажариб қайтарганларидан қайтишни олган, ҳамда ким шу ишларни қилса, амаллари ва сўзлари ислоҳ бўлиши, гуноҳлари кечирилиши, дунёда бахтли ва Қиёмат кунда жаннатга эришиши ваъда қилинган.

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

